

РЕЖА ПУХТА БЎЛСА...

РАЙОНИМИЗ деҳқонлари давлатга пахта сотиш йиллик планини бажаришда, Қабул пунктларида 30 минг 950 тонна хом ашё етказиб берилди. 10 минг 350 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30,2 центнердан ошириб «оқ олтин» йиғиштириб олинди.

Бу муваффақиятга районимиздаги Калинин номи, «Коммунизм» Ленин номи, Х. Турсунқулов номи, Н. Ниёзов номи колхозларининг пахтакорлари салмоқли ҳисса қўшди. Бу хўжалиқларда йиллик план барвақт адо этилди. Бобожил Абдурахмонов, Раҳим Жаҳонқул, Пулат Далабоев, Бўсин Темиров, Исроил Мадалиев сингари пахта усталари бошчилик қилаётган бригадаларда юксак социалистик мажбуриятлар муддатидан илгари бажарилиб, оширилган мажбурият ҳисобига пахта топшириш давом этапти.

Албатта, дастлабки мажбурият ағдлланишида йил бошиданон пухта режа билан қилинган ишлар асосий замин бўлди. Умуман, бу йил районда ишни янгилаш таътири эътибор берилди. Хўжалик раҳбарларининг, мутахассисларнинг ўз вазифасига бўлган масъулияти оширилди. Деҳқонга мустақиллик берилди. Улар қайси агро-техника тадбирини қачон ўтказиши ўзларининг шарт-шароитига қараб белгиланиши ва амалга оширилиши.

Районимизда ташкил этилган пахтакорлар Советининг ролини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Совет аъзолари йиғилишларини бевосита далада ўтказишди, ахволни ўша жойнинг ўзида таҳлил этишди. Масалан, терим арафасида «Коммунизм» колхозида бўлиб ўтган совет йиғилишида барча етакчи мутахассислар иштирок этиб, ўз хўжалиқларида қиғит экиннинг энг қулай муддатларини келишиб олишди. Илгори хўжалиқларнинг таърифи беғи ёлғини. Энг муҳим тадбирлардан — чеканка ва дефолиацияни ўтказишда ҳам ана шундай кўр-

газмали совет йиғилишлари бўлиб ўтди. Бу тадбирлар таъкидлаштирилган усулда амалга оширилди. Шу ўринда пахтанинг С-48-80 нави ҳақида икки оғиз гапириб ўтиш керак. Бу нав пахтадан мўл ҳосил етиштириш йўлида қўлгана тажрибалар ўтказилди. Барча агротехника тадбирлари ўз муддатида ўтказилиш бу бо- радаги муваффақиятнинг дастлабки босқичи бўлди. Лекин иланишни давом эттиришимиз лозим. Масалан, бу йил баъзи карталарда гу- за ўргиччакананан қаттиқ зарарланди. Демак, мутахас- сисларни бу соҳадаги мала- каларини янада ошириш, илгори тажрибаларни омла- лаштириш, мавжуд имкони- ятлардан тўлиқ фойдаланиш- даги энг катта резервлари- миздан биридир.

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИ

Йиғим-терим даврида рай- он партия комитети, район агроасноат бirlашмаси Со- вету бутун кучини етишти- рилган ҳосилни тез ва но- будгарчиликсиз йиғиштириб олишга сафарбар этди. Ай- ниқса, терим агрегатларидан юксак унум билан фойдала- нишни таъминлаш учун кўп иш қилинди. Шу туфайли умумий ҳосилнинг 60 про- центдан зиёди машинада те- рилди. Районимиз тарихида техникадан ҳали бу даража- да фойдаланилган эмас эди. Бу соҳада ҳам хали резерв- лар талайгина. Масалан, Ка- линин номи, «Коммунизм», «Интернационал» колхозла- рда 80—85 процент ҳосил машиналарда йиғиштириб олинди.

Идеология ҳодимлари ҳо- зир бутун ишни далага қу- чиришган. Барча хўжалиқ- лардаги дала шийонлари деҳқонларнинг иккинчи уйи- га айлантирилган. Агитатор- ларимиз, сиёсий ахборотчи- ларимиз деҳқонларни энг сўнгги янгиликлар билан мунтазам таништириб бо- р-

моқдалар. Районда, област- да на республикада пахта таъйёрлашнинг бориши ҳақи- даги маълумотлар ҳар бир коллектингга ўз вақтида ет- казилмоқда.

Хўжалиқларро ташкил этилган мусобақага ҳар беш кунда яқун чиқарилмоқда. Ғолиб хўжаликка кўча Ки- зил Байроқ билан биргалик- да пахтакорларга маданий- маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш учун 200 сўм пул мукофоти берилмоқда.

Район партия комитети қўшида ташкил этилган ва барча хўжалиқларда ишлаб турган матбуот марказлари- да ҳар кун кўнлик натижа- лар чўқур таҳлил этилади. Илгорилар махсус «Чакмоқ», «Мусобақа илгори»га тенг- лашинг» деворий газетала- рида алоҳида қайд қилиб боришмоқда. Қўлоқлар, дан- гасалар эса «Нааман» деб номланган бурчакимизда аёвсиз танқид остига олин- моқда.

Дала меҳнаткашларига маданий-маиший хизмат кў- ратиш ҳам диққат маркази бўлмоқда. Район маданият бўлими қўшида ташкил этил- ган агитбригада график бў- йича хўжалиқларда бўлиб, пахтакорларга концертлар қўйиб бермоқда. Тушлик пайтларда турли темалар- да, деҳқонларни қизиқтир- ган саволлар асосида қизи- қарли лекция ва суҳбатлар ўтказилмоқда. Район матбу- бот маиятининг 6 та авто- лавкаси ўз вақтида пахта- корларнинг буюртмаларини бажариб турибди.

Дастлабки маррани ағдла- ланган районимиз пахтакор- ларини йиғим-теримни уш- лоқлик билан давом этти- ришмоқда. Улар сўзларда йилда давлатга қамиди 33 минг 200 тонна «оқ олтин» етказиб бериш юзасидан мажбурият олишган. Дала- ларда ҳосил мўл. Ҳозир бу- тун имкониёт, ишчи кучла- ри, техника теримга сафар- бар этилмоқда. Бу марра ҳам тез кунда ағдлланиши.

З. ЗОЙТОВ,
Янгийўл район партия
комитети кишлоқ хўжа-
лиқ бўлими mudiri.



ЎЗБЕКИСТОН Гео- логия министрлигига қарашли нефть ва газ конлари ге- ологисини ҳамда разведка қи- лish институтини ҳодимлари Оққўрғон районидagi Во- тинцев номи колхозининг А. Расулматов бошлиқ брига- даси далаларида пахта те- рилишмоқда. Суратларда: (ўнгда) илгори теримчи — инженер-геолог Малика Ма- ҳамедова; институт катта илмий ҳодими Султон Ҳу- сенов мусобақа ғолиби Галина Полюкова фахрий ёрлик топширмоқда; (чапда) лабо- рант Раёно Ғаниева ҳам ку- лик нормани ошириб бажар- моқда.

Х. Аввалов фотолари.

КОМПЛЕКС ХИЗМАТ КЎРСАТИЛМОҚДА

ЎРТА ЧИРЧИҚ. Бугун район далаларида бўлган пахтакорларга кўча авто- лавкалари дуч келасиз. Улар дала меҳнаткашлари- га шу ернинг ўзида хизмат кўрсатишмоқда. Мавсум бош- лангандан буён район маи- ший хизмат кўрсатиш ком- бинатининг иккинчи автола- каси махсус график бўйича колхоз ва совхозларда бўл- моқда. Кўнига пахтакорлар- га 400—500 сўмлик хизмат кўрсатишмоқда. Деҳқонлар- нинг буюртмалари ҳам ўз вақтида бажарилмоқда.

Район матбуот маияти- нинг ҳодимлари савдо хиз- матини ташкил этиш бў- йича жон кўйдиришмоқ- да. Айни пайтда хўжа- ликларда 53 та сотувчи- сиз дўкон бор. Шунинг- дек, кўчама дўконлар, ҳам бригадаларда қатнаб туриб- ди. «Юрасу» пахта тоза- лаш заводи, Чирчиқ, Ўр- тасарой ва Тўйтепа пахта қабул қилиш пунктларидаги ошоналарнинг иши икки сменага кўчирилди. Бундан барча миннатдор бўляпти.

Маданият бўлими томонидан ташкил этилган агитбри- гадлар график, бўйича хў- жалиқларда бўлиб мусоба- қада ғолиб чиққан бригада коллективларига тушлик пайтда ҳамда ишдан кейин концертлар намойиш этиш- моқда. Агитбригадининг Зо- кир Қамбариев, Новбот- тоқ Ғофурова, Фозилжон Мамадалиев, Азиз Орипов сингари хонанда ва созанда- лари инфо этган куй ва қў- шилар барчага манзур бўл- япти.

Р. БЕГАЛИЕВ.

У. ҲАМИДОВ.

БАЛЛИ!



БЕКОБОД районидagi Дээржикский номи колхоз- нинг Абдували Узоқов бош- лик бригадаси пахтакорлари ҳар гектар майдондан 35 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Хирмон- нинг юксалишига кўпинча- ки агрономчи чеварлар ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда- лар. Суратларда: Бригада- динг илгори теримчилари (юқорида) Анорхон Оллаёро- ва ва (пасда) Зухра Мамат- қуловлар.

А. Зуфаров фотолари.



ТЕРИМДА СИФАТ

ЯНГИЙЎЛ районидagi Назарали Ниёзов номи кол- хозда план бажарилгандан сўнг ҳам далада қолган ҳо- силни тез ва ноубудгарчилик- сиз териб олиш юзасидан тадбирлар белгиланди. Иш ҳозир ана шу тадбирлар асо- сида олиб боришмоқда. Шу- нинг учун ҳам колхоз рай- он хўжалиқлари ўртасидаги мусобақада илгорила сафи- да борапти.

Бу йил колхозда 840 гек- тар ерда пахта етиштирилди. Мақсад ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил йиғишти- ribs олиш.

— Ҳамма гап вақтдан унумли фойдаланишда — дейди колхоз раиси Қ. Қо- рақонов. — Кўз ҳавосига ишониб бўлмайдим. Шу- нинг учун ҳар бир дақиқа- дан самарали фойдаланиш керак. Биз шунини ҳисобга олиб, хўжалиқимизда терим машиналари билан бир- галикда қўл теримига ҳам йўл берилди. Кўнига 500 га йили киши теримда иштирок этмоқда.

Бу йил колхозда пахта си- фатини ошириш учун кураш

БҒКА районидagi Фрунзе номи колхозининг Жуманбек Жонталиев бош- лик бригадаси деҳқонлари октябрнинг бошларидаёқ 50 гектар майдоннинг ҳар гек- таридан 30 центнердан ҳо- сил олиб, планини бажарган эдилар. Айни кунларда оши- рилган мажбуриятларини ҳам бажариш учун ҳаракат қилишмоқдалар. Суратда: бри- гада бошлиғи Ж. Жонтали- ев.

А. Мальцев фотоси.



ХИРМОНЛАРДА ЯНГРАГАН ҚЎШИҚ

ҲАМЗА номидаги ўзбек Давлат академик драма те- атри ва М. Қориев номида- ги Ўзбекистон ССР Давлат концерт-филармония бirlашмасининг бир гуруҳи саъяткорлари Оққўрғон районидagi Кўйиш номи колхозининг С. Сиддиқов, С. Бойбўтаев бошчилик қи- лашётган 12- ва 13-бригада- ларнинг пахтакорлари ҳу- зурда концерт намойиш қи- лишди.

Пахтакорлар СССР халқ артисти Сора Эшонтураева

тракчинда «Алишер Навоий» драмасида Гули монологи- ни, Ўзбекистон ССР халқ артисти Тамара Юнусова, Ҳасан Қаримов, Ғайбулла Мелишев ижросидаги классик ва замонавий қўшиқ- ларни, Замира Раффонова- нинг шўх ва дилбар рақсла- рини мамнуният билан қар- ши олдилар. Таъкид шойр Ҳайдар Мухаммад эса ўзи- нинг шеърлари билан меҳ- нат аҳлини янги зафарларга даъват этди.

Врач маслаҳати

Харқачонидек, йиғим-те- рим мавсумида ҳам дала меҳнаткашлари саломатли- ги шифокорлар эътиборида. Кўча амбулаториялар, ме- дицина пунктларида малака- ли шифокорлар, ҳамшира- лар бирктиб қўйилган. Кишлоқ даволаш муассаса- лари эса ўз хизматларини пахтакорлар учун қулай му- ддатларга мослаштирилган. Булардан ташқари ҳозирги пайтда хўжалиқлар дала шийонларидега обаста со- гликни сақлаш бўлими то- монидан уюштирилган «Уни-

КИЧИК «ДОРИХОНА»ДАН ФОЙДАЛАНИНГ

версал аптечка»лар мав- жуд. Беморга бияричи эр- дам кўрсатиш имкониети ту- ла ҳисобга олинган бу «ки- чик дорихона»дан далада ишлаётган ҳар бир киши фойдалана билиши керак.

Маълумки, универсал ап- текчада ваилдо, бесалол, валярианка, амидопирин, йу- тал дори, йод, нашатир спирти, натрий гидрокар- бонати, борли мазъ ва ҳар хил бoғлов материаллари мавжуд. Уларнинг ҳар би-

ЗАВҚУ-ШАВҚ УЛАШИБ

Пахтакору хашаачилар апила-тапила тушлик қилиш- ди-ю, ҳордиқ олиш учун аж- ратилган вақт хизматга ший-

ри беморга маълум касал- ликка чалинганлигига за- рур бўлади. Масалан, ва- лидоол таблеткаси юрак қаттиқ оғриғидан ярим- та ёки бутун ҳолда тил- остига қўйилди. Валериан- ка эритмасидан эса киши асабийлашган, юрати атро- фиде оғриқ сезаётган пайт- да тинчлантирувчи дори си- фатида фойдаланиши мум- кин.

Шамоллаш туфайли исит- ма кўтарилганда, шунинг-

ден асаб касалликларида ацетилсалицил кислотаси таблеткасидан бир кунда ик- ки-уч марта истетелмок қи- линса ҳарорат пасаяди, юрак безовталиги қолади ҳамда бемор асаби тинчи- ди. Бош оғриғидан, гриппда, икситман туширишда аналь- гин, амидопирин таблеткала- ридан фойдаланган маъ- нул.

Аптечкада ошқозон оғри- гига даво бўладиган беса- лол, томок касалликларида чайиш учун сода, ирларни

ювишда қўлланладиган марганцовка ҳам бор. Бор кислотасидан кўз ва оғиз шамоллаганда фойдала- ниш мумкин. Қўзни чайиш учун бир чой қоник бор кислотаси бир стакан илқ- сувда эритиб иштилади. Киши беҳуш бўлиб қолса, ие тегса ёки захарланса уни ўзига келтириш учун пахта- га беш-олти томчи нашатир спирти томизиб хилдлатиш керак. Беш процентли йод эритмаси яра-чақа қўйиб кетмаслиги учун суртлади. Терини бирон жойи тилин- ганда, тасодифан несиб олинганда йод қон тўхтатиш хуусунитига эга эканлигини

ҳам унутмаслик керак. «Кичик дорихона»даги бoғлов материаллари — бит, пахта, лейкопластир, эластин бинтлар яра ва ши- кастланган жойларни боғ- лаш учун зарурлиги қўпин- ликка аён. Фақат бир истак шу эдики, юқоридagi дори- дармонлардан тўғри фойда- ланиш билан биргаликда, уларнинг ўрин тўлдириб бо- рилса зарур пайтда беморга ҳамини дастлабки ва керак- ли ёрдам кўрсатиш имкони яратилди.

Т. ҲАСАНОВ,
медицина фанлари канди- дати.

«Октябрь 40 йиллиги». «Партия XXIV съезди» совхоз. «К. Маркс» Навоий, Охун- бобоев номи, «Қизил Ок- тябрь», Ф. Энгельс, «Мос- ква» номи колхозлар пешқадамлигини қўлдан бер- май келишяпти. Район бўйича 20 минг тонна пах- та машиналарда йиғишти- ribs олинди. Пахтазор де- нгизда ҳали ҳам маши- на гуриллаб ишлаб турибди.

Ҳалол ва самимият би- лан меҳнат қилганини, тўғ- ри гапириб, тўғри одим от- ганини ҳалол бўлиш! Ана шундай кишилар- нинг меҳнатига оила ва Ватанга, халқ ва партия та- лабларига, дунёвий эҳти- осларига буюради! Қандай яхши!

ЖАСОРАТНИНГ КЎЗЛАРИ

Ҳамиша ошқар қайгадир дарё,
Лабида чалиб шўх сибизга найин,
У каби шоман бир лаҳза тинмай,
Довон ошмоқ учун мақсадим тайин...

«Тошкент ҳақиқати» «Ҳосил-86» пахта штаби ўқуланмаси билан

чи моторист, ошпаз ва се- ретар-машиниста мута- хассислари етишиб чиқди, — дейди у. — Бу мавсумда 50 тонна «оқ олтин» териб бермоқчимиз.

Пахтакорларга ҳамбаста- ликка келган Ўзбекистон Молия министрлигининг қиринда зиёд ҳодимлари са- марали меҳнат қилишган, экан. Шавкат Рустамов бри- гадирлигидagi пешқадамлар- дан Баҳодир Мамадалиев, Тўлқин Иброҳимов, Раҳмат Раҳимов, Ан Георгий, Му- каррима Обидова, Таян Де- дуренколар кўнига 60 кило- дан пахта териб, кўнчилигига ўртак бўлипти.

Меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатиш ишлари ҳам чақки эмас. Шу кунга надар районда 50 дан ортқ жойда пахтакорларга маданий хиз- мат кўрсатишмоқда. Комсо- мол-ешлардан тузилган агит- бригадининг ўттиздан зиёд ешлари маданий хизмат кў- рсатиш билан бирга 50 тонна «оқ олтин» териб бериш мажбуриятини ҳам олишган. Ҳозир ана шу ваъданинг 45 тонаси тайёр. Районимизда тузилган олтин агитбригада, жумладан, «Партия XXIV съезди» совхозидagi «Оқ чашма» ансамбли, Чайков- ский номи музика мактаби қўшидаги «Гўнча» ансамбли, Охунбобоев колхозидagi «Яллама тоғи» ансамбли, район маданият уйи «Гўл- даста» ансамбллари фаоллик кўрсатишти.

Райондаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозидан СССР Олий Советининг де- путати, 40 центнерчилар та- шаббускори Фекрет Сефер- шаев бригадасининг қўлга киритган ютуқлари мақтаса аригулик. Улар 126 гектар- дан 420 тоннага яқин «оқ олтин» териб олишди ва яна теримда давом этаптилар.

Киши табиати галати. Агар астойдил иришса, ўз имкониети доирасидаги си- рли донларига ета олади. Замира паридан — бери чой ичиб пахта даласига ол- ланди. Осмоний тўсдек қо- лупт қоплаган. Янги унуб чиқаётган гўзалари қошга шовилди. Бригадир-да, зим- масида катта масъулият, юк бор. Ҳудди янги унган гўза- ларни жаладан асраб қола- дигандай, илдам қадам таш- лар эди. У далага биринчи бўлиб келди. Ҳатто ёғири- дан ҳам аввал етиб келди. Термилди осмонга — пар- дай сузиб ўтаётган йирик бу- лутларга қараб: «Ёғмайди, ёғса ҳам планини бажараман», деб қўйди ичиди қатъий. За- миранинг бригадаси орадан икки кун ўтиб чиқтиларни қайта қаддашди. Қўлламда шундай воқеалар бўлганини Замира тиник эслайди. Бри- гадасидagi 25 нафар киз бир тану бир жон бўлиб далада гуриллатиб трактор ҳайда- шди.

Замиранинг оиласи На- манганин Тўрақўрғондан Чинозга қўчиб келишганда 8-синфда ўқирди. Эггаларда думалаб улғайди. Ўзининги битириб, устоз Турсунво Охунова қўлида тарбия топ- ди. Билим юртини тутатди. Малакали механизатор — пахтакор бўлди!

Мана энди унинг ўзи бри- гадага бош. Бригада ўтган йили ҳам илгорила қатори маррага етиб келганди. Замира ёнда бири-бирига меҳру оқибатли аъзолар ва умр йўлдош, ме- ханизатор Тохир Муталов, кўпчиликл мадал.

— Даладарин ёқтираман, — дейди Замира. — Дала- ларда ўзининг кенгликларда- гидек қушлай ҳис этасан, ташвиш — гамларинг, губо-

ринг унутилиб, меҳнат завқи билан тўлиб тошсан... Ке- йин драматургия — бўш вақтларимдаги энг сеvimли овуночгим.

Бригаданиз бўйича бу йил 214 тонна «оқ олтин» топ- шириш планимиз бор. Маж- бурият эса 221 тонна.

Еш коммунист, йигирма беш кишилик бригаданинг омилдор даргаси Замира Аб- дувахобова «Кечирасизлар, шовиб турибман!» деган маънода кенг пахтазорга қара- буюн қўйди.

Қуёш қўл чўзади бўлиқ кўсакка,
Шитирлаб очилар сеҳрлар оқлик.

Ғанимат! Пахтамини кўтар юксакка,
Ғанимат! Бўй чўзсин, хирмонда Поклик!

Шаҳар қўчиб келар ёбон- далага,
Узул колоннада Шодлик келади.

Қарсақ чалиб чаноқ жўрдир яллага,
Машина жилмайиб пахта таради...

Отлан, пахтазорга! Йўл бошла, Мардик!

Чўлга чиқикм Сегиз, Халжон ва Бурч,
Матонат чорлайди кўзлари дардан. —

Ғалаба рапорти — Дунё бўлиши тич!

Тилга олганларимизнинг ҳаммалари ўзбек пахтачили- гининг 1986 йил эстафетаси қонмонларидир. Уларнинг қаватида тагин Қадрамон колхозининг Тохиржон Меҳ- ралиев, Назиркул Аҳмедов, Ирисмат Ҳасанов сингари саҳоватпеша бригадирлари кўирак кериб турибди.

Гални гап туғайди, деган- ларидек, мавридада айтиб қолган яхши, Кечатгина биз Ялламадан Пахтагача айла- ниб келдик. Ҳосилнинг чўги кўп хали. Момиқмон хўп ети- либди-да! Афсуским, ҳавога буюртма бериб бўлмайдим. Ўзининг бир оғизлиги шунда-да! Бундан буюги ки- зил ёз эмас, қор-қировли оп- пок қиш. Ҳамона шундай экан, ҳосилни зуд саранжом- лаб олайлик, олтин сайдиқча содайлик! Ўзбекистон пойта- си хали ҳам йўлда. «Хайё хайт» деган узокнинг чаңи- да қўлиб кетаётганларга ма- дор!

Қаламжон, йўрғала қогоз устида,
Юлдузлар чарақлар Чиноз устида,
«Ха, бўл! Ха бўл!» қилиб қарвон келади,
Элдан «Юксал!» деган фармон келади,
Ҳадемай қор қунар тоғлар бошига,
Қараб қўй чимрилган кўзинг қошига.


Вақт кетди. Далада турити нақдинг,
Шарафинг, доврўнинг,
Белинги аянам қаттиқроқ боғла,
Маррани ағалла, юртни ардоғла!
Қаламжон, йўрғала қогоз устида,
Юлдузлар чарақлар Чиноз устида.

Чин сўзлик Чинозга жоилар тасаддуқ,
Шоввоздан шоввозга жоилар тасаддуқ!

Султон АКБАРИ,
ОТАЕР,
Фарида УСМОНОВА,
Севара ВАФО.

СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ

ЯНГИ ЧАНГИ ТРАССАСИ



Тошкентдан 80 километр узоқда, Бўстонлик районда жойлашган Белдирсойда янги тоғ чанги трассаси қурилиши низоғига етмоқда. Кейинги йилларда Чимён трассаси нафақат республикамиз балки иттифоқимиз чангичиларининг севимли спорт иншоотларига айланиб қолди. Бу ерда тез-тез бутуниттифок ҳамда халқаро мусобақаларнинг ўтказилиши анъанага айланди. Эндиликда эса Белдирсойда ҳам тоғ чанги спорт иншоотлари севимли машғулотлари билан шуғулланишлари мумкин.

Спортчиларга барча шароитларни яратиш билан бирга бу ерга келиб дам олиш истегиде бўлган табиат ихлосмандлари, туризм шайдолари ҳам унутилмади. Яқинда «Союзлифтмонтаж» трестининг Ереван монтаж бошқармаси монтажчилар бригадаси икки километр узунликдаги осма сим йўлини қуриб битказди. Тез орада бу қўлайликдан фойдаланиш истегиде бўлганлар сим йўлга осилган ўриндиқларда тоғларнинг юқори қисмига чиқиб оладилар.

Кумбел чўққисига спортчиларни тортиб олиб чиқадиған сим йўли қурилиши ҳам низоғисига етай деб қолди. Бу ишлар тугаши билан бу ерда расмий мусобақалар ўтказилиши бошланади. Ҳозир эса монтажчилар Сергели авиакорхонаси учувчилари билан ҳамкорликда қурилиш ишларини жадал давом эттиришляпти.

А. Караванов ва В. Дубровский фотолари.



Бизга ёздиқлар

ЁТОҚХОНАЛАР ҚУРИЛМОҚДА

«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида машинасозларнинг турмуш шароитларини яхшилаш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, ишчи-хизматчиларни уй-жой билан таъминлашга жиддий киришилган. Айни кунларда ҳам улар учун қатор турар-жой бинолари барпо этиляпти. Еш ишчилар учун эса қатор ётоқхоналар қурилмоқда.

Хар бири 240 кишига мўлжалланган тўққиз қаватли ётоқхона бинолари битай деб қолди.

О. МАХМАЮСУПОВ.

МЕҲНАТСЕВАР ЧЕВАРЛАР

Оҳангарон шахридаги «Ваҳор» маъшиш хизмат уйига жойлашган тикувчилик цехида янги иш услуби жорий қилинди.

Эндиликда бу корхонага ҳар кун қатнаш имкони бўлмаган уй бекалари, кўп болали оналар уйда ишлашга киришдилар. Бунинг учун керакли ип газлама, пахта ва бошқа материаллар цех томонидан махсус машинада хонадонларга етказиб берилди. Маълум муддат ўтгач яна шу машина тайёр маҳсулотларни олиб кетади.

Ишнинг бу касаначилик усули кўпчиликка қўл келмоқда. Оналар рўзгор юмушларидан бўш пайтларида коллективга ёрдам бераётганликларидан хурсанд бўлмоқдалар.

М. МУЗАФФАРОВА.

ЧИНОЗЛИК ПОЛВОНЛАР

Арманистоннинг Ленинкан шаҳрида оғир атлетика бўйича ўтказилган СССР чемпионатинда 1967—1969 йилда турилган ўсимлар ўзaro куч сынашдилар. Чемпионатда ҳар бир иттифокдош республикада тайёрланган резервлар ўзига хос кўрдан ўтказилди. Бақсларда обломистик вакиллари муваффақиятли қатнашдилар. Аввалига Андрей Голубоват ўз вази категориясида кумуш совриндор бўлди. Шундан сўнг яна икки полвонимиз — Тигран Ованезов ва Вячеслав Нью фахрий шохсупнинг учинчи погонасига кўтарилдилар.

Бу атлетикачилар Чинозда тренер Алексей Ким раҳбарлигида шуғулланидлар.

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

МЕТАЛЛУРГАР КОМАНДАСИ ГОЛИБ

Олмаликда «Меҳнат» кўнгли спорт жамоати Марказий Советнинг биринчилиги низоғисига етди. Бу биринчиликда 1968—1969 йилларда турилган қизлар мусобақалаштиди. Республикамиз спорт шарафини олмалиқлик гандболчилар ҳимоя қилдилар. Москва, Львов, Ленинкан, Кишинёв, Ростов ва бошқа шаҳарлар командалари икки кичик гуруҳга бўлиниб куч сынашди.

Биринчиликда Олмалик комметаллургия комбинатининг спортчилари голиб чиқдилар.

КУЧЛИЛАР САРАЛАНДИ

«Динамо» теннис кортида ўтказилган Ўлдош Охунбобов хотира соврини мусобақалари низоғисига етай деб қолди. Тўрт гуруҳда бақслашётган 350 дан зиёд спортчилар ўртасида энг кучли теннисчилар сараланди. 1969—1971 йилда турилган ўсимлар ўртасида тошкентлик динамочи А. Иванов голиб деб топилди.

КЎРГАЗМАДА РЎЗГОР БУЮМЛАРИ

Турли хил уй-рўзгор буюмлари кўргазма савдосини ташкил этиш анъанага айланиб қолди. Бундан кўзланган асосий мақсад харидорларнинг ҳужалик молларига бўлган эҳтиёжларини атрафлича ўрганишдир.

«Ташхозтор»нинг 23-магизинида ташкил этилган сирланган идишлар савдо кўргазмасида Бекобод металлургия заводида ишлаб чиқарилаётган шундай маҳсулотларнинг ўнлаб турлари меҳнаткашлар эътиборига ҳавола қилинди. Бу уй-рўзгор буюмларининг аксарияти тезда реализация бўлди.

Р. УСМОНОВА.

Амалий машғулотлар самараси

Барча йирик коллективларда, айниқса, саноат корхоналарида граждaн мудофааси машғулотларини мунтазам ўтказиш, шу мақсаддаги объектларни тайёрлаш муҳимдир. Бу ишга коллективнинг барча аъзолари бирдек энг ишмариб киришсаларгина икбий натижаларга эришиш мумкин. В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводида бу борада амалга оширилаётган ишлар ибратлидир.

Заводада граждaн мудофаасининг мураккаб вази-фалари меҳнат коллектив-нинг барча ҳужалик муам-молари билан биргаликда ҳал қилинади. Коллективнинг ишлаб чиқариш планлари тузилётган бир пайтда граждaн мудофааси тадбир-ларини ўтказиш ҳам унутил-майди. Маъмурият ва пар-тия комитетининг йиғилиш-ларида, мажлисларида граж-дан мудофааси ишларини янада такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилади.

Корхонада намунали мод-дий ўқув базаси яратилган бўлиб, у граждaн мудофаа-си, ўқув синфларини ўз ичига олади. Бундан таш-кари заводнинг цех ва бўлимларида ҳам граж-дан мудофааси синфла-ри ва бурчаклари ташкил этилган. Бу ерда етарли миқдорда оммавий мудофаа воситалари тўпланган, сме-надаги ишчилар ҳимояла-ниш учун жойлар жи-ҳозланган. Барча ишчи ва хизматчилар шахсий ҳимоя воситаларига эгадирлар. Бу-дан ташқари зарур прибор-лар, техника воситалари мажмуи. Завод коллектив-и ана шу базага таянган ҳол-да граждaн мудофааси маш-ғулотларини мунтазам ўт-казиб боради.

ШОВҚИН ВА САЛОМАТЛИК

Ортиқча иш билан оғирлашган, унинг асосий шидан чиқариш медицина томонидан исботланган. Шунинг учун ҳам йирик саноат корхоналарида, қурилишларда, муассасаларда ишчи-хизматчилар меҳнат ш-роитини яхшилаш учун шов-қини камайтиришга ҳаракат қилинмоқда.

Тошкент шаҳар санитария эпидемиология станцияси ҳу-зурида виброакустик лабора-тория ташкил этилган. Лабора-тория мутахассислари 2500 дан зиёд саноат корхоналари, ку-рилиш объектлари, илмий му-ассасаларни ўз назоратлари остига олганлар. Вақти-вақти билан у ерларда бўлиб, тек-ширувлар ўтказиб турилади. Шундан сўнг шовқин товуши киши организмга учун зарарли деқаддан ортиқ бўлса бу-нинг олдини олиш учун та-сирлар берадилар.

Кейинги пайтларда ана шу таъсирлар асосида Тошкент тўқимачилик комбинатида шов-қин даражаси бир мунча па-скайрилди. Агрегат заводида энг кўп товуш чиқарадиган ре-здукторларни ишловдан ўтқа-зиш стан-ди 20 децибел кам-роқ товуш чиқарадиган бўлди.

Тошкент трактор заводи иш-лаб чиқариш бирлашмасида пневматик асосда пайвандлаш станоклари ҳам бир мунча настрок товушда ишлаб жо-ладилар. Бу эса лаборатория хо-димларининг меҳнаткашлар саломатлигини муҳофаза қи-лиш йўлидаги дадил оқимла-ридир.

М. МИРАЛИМОВ.

ГРАЖДАН МУДОФААСИ — ҲАММАНING ИШИ

Бу ерда одамларга, би-ринчи медицина ёрдами кў-рсатиш, жароҳатланган киши-ларни медицина муассасала-рига етказиш, ўт тушиши-нинг олдини олиш ва улар-ни бартараф этиш, вайрон бўлган участкаларини, энер-гетика ва технологик тар-моқларни вақтинчалик иш-латиб туриш йўллари ўрга-нилади.

Граждaн мудофааси иш-ларини такомиллаштириш мақсадида тармоқ корхона-ларида санитария дружина-ларини шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқ-да. Ўзбекистон қийин эрий-диган ва ўтга чидамли ме-таллар. Олмалик кон-ме-таллургия комбинатларида, Ўзбекистон металлургия за-водида, «Средазнегпроцвет-

БИЛДИРИШ

«Тошкент ҳақиқати» га-зета редакцияси ҳузуридаги жамоатчи Совет навбатдаги қабулини бутун — 29 октябрь кун соат 17.00 дан бошлаб ўтказида. Бу сафар қабули Тошкент область ижроия ко-митети истиция бўлимининг

БОШЛИГИ БЎЗБОРБОВ БОШҚАРАДИ.

Шиноат, ариза ва илти-мосномалари бўлган ўртоқ-лар ана шу қабулхонага ке-лишлари ва ўзларини киши-тирган масалалар юзасидан мурожаат қилишлари му-мкин. Келишга имкон топол-маган кишиларга редакция жамоатчи Совети қабулхона-

Бу — қизиқ ДЕНГИЗ ОСТИДАГИ... ТҮЙ

Кемадан сувга биринчи бўлиб фотосуратчи ва опе-раторлар, шундан сўнг ме-монлар, гувоҳлар ва нотари-ус туша бошлашди. Куёв билан келин эса охирида сув остига шўнғиди.

— Бу манзарани яқинда Эль-Кораль (Куба) пляжи ёнида кўриш мумкин эди. 21 ёшли студент Эдуардо Гарсия-Она ҳамда 18 ёшли бўлгуси инженер Одалис Кастанебрас ўз тўйларини шу тарзда сув остида — ет-ти метрлик чуқурликда ўт-казишга қарор қилдилар.

Гарчанд улар изотермик кийим ва масналарда бўл-са, келинчақ узун оқ ҳарир фата кийимини, куёв эса галстук тақийини унутмади.

Тўйга таъриф буюрган 30 нафар ёшлар — Келин би-лаи кўбининг дўстлари эса кема борти ва сув остидаги вазибаларни тақсимлаб ол-мишди. Уларнинг айримла-ри сув остига стол-стул та-пиш билан, қолганлар эса бу вақтда кислород бериб тура-

диган регуляторни текши-риш билан банд бўдилар.

Сув остида тантанали ма-росим чоғида ерда бўлгани-каби никоҳдан ўтишнинг бар-ча қонуқ қондаларига риоя этилди: она ва никоҳ ҳақи-даги кодекс билан таништи-рилди, никоҳ гувоҳномасига имзо ченкиди.

Кубалик икки ёшнинг ни-коҳдан ўтиш усули чиндан ҳам гайритабиий. Лекин улар сув остида сузиш бў-йича мамлакат миллий тер-ма командасининг аъзолари эканлигини ҳисобга олмасак бундай тўйни ўтказиб бў-лармиди.

(«Московская правда» га-зетасидан).

(«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 31 октябрда чиқади).

Редактор
Н. НАСИМОВ.

ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Иттифоқимизнинг ҳамма жойларидаги каби республи-када, жумладан, област-нида ҳам 1987 йил учун газетa ва журналларга обуна тугай деб қолди.

«Тошкент ҳақиқати» га-зетасига ҳам обуна бўлишга кечикманг.

Бунинг учун «Союзпечать» агентликларига ёки иш жойи-нидаги ўқув юрти ва турар-жойингиздаги жамоатчи

маббуот тарғутовчиларга му-рожаат қилишингиз мумкин. Улар сизни келас йил ма-буоти учун обуна қилиб қў-йишади. 1 ноябрдан обуна бўлганларга эса газетa 1987 йил февралдан бошлаб ет-казиб берилади.

Газетанинг ОБУНА БА-ҲОСИ: 1 йилга — 6 сўм 60 тийин.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ОБЛАСТ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ЎЗБЕКИСТОН КИНОСТУДИЯЛАРИДА ТАЙЕРЛАНГАН ФИЛЬМЛАР ҚУРИГИ ОЙЛИГИНИ ДАВОМ ЭТДИРАДИ

ХРОНИКАЛ-ҲУҶЖАТЛИ ВА ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР

ОЛМАЛИҚ ШАҲРИ, «ОЛМАЛИҚ» КИНОТЕАТРИДА

3—5 ноябрда — Ўзбекистон йўллари.

6—8 ноябрда — Тоғлар чорлайди.

ЯНГИБОД ШАҲРИ, «РАДУГА» КИНОТЕАТРИДА

5—6 ноябрда — Улкан жасорат.

7—8 ноябрда — Салоқат қадри.

ҲАЗАЛКЕНТ ШАҲРИ, «БЎСТОН» КИНОТЕАТРИДА

29—30 октябрда — Қуанди — Тошкент ёнгинасида.

1—2 ноябрда — Майдон — она днёр.

3—5 ноябрда — Оила.

6—8 ноябрда — Эртанги кун мўлжал.

ЧИРЧИК ШАҲРИ, НАВОИ НОМИДАГИ КИНОТЕАТРДА

29—30 октябрда — Аланга узар учган қушлар.

1—2 ноябрда — Соқолли киши.

КИБРАЙ ПОСЕЛКАСИ, «СОЮЗ» КИНОТЕАТРИДА

29—30 октябрда — Уйга олмас йўл.

1—2 ноябрда — Болалиқдан кейин қирқ йил.

3—5 ноябрда — Буюк дарё сир.

6—8 ноябрда — Наби Гаинев.

БЕКОВД ШАҲРИ, «ОКТАБР» КИНОТЕАТРИДА

29—30 октябрда — Қанот бағрида портрет.

1—2 ноябрда — Марям ола.

3—5 ноябрда — Ўғил, набира, эвара.

6—8 ноябрда — Дўстлик маршрутлари йўлларида.

ЯНГИЎЛ ШАҲРИ, «ПОВЕДА» КИНОТЕАТРИДА

29—30 октябрда — Бир сурат тарихи.

3—5 ноябрда — Сурхоннинг юксак марраси.

6—8 ноябрда — Қайта тугилган гўзаллик.

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР: ОҚҚУРҒОН РАЙОНИ, «ЕШЛИК» КИНОТЕАТРИДА

29—30 октябрда — Осиё устида бурон.

1—4 ноябрда — Мафтуниингиз.

5—8 ноябрда — Пароль — «Регина меҳмонхонаси».

КЕЛЕС ШАҲРИ, «СПУТНИК» КИНОТЕАТРИДА

29—30 октябрда — Тасодифлар ёнгинамида.

1—7 ноябрда — Насриддиннинг саргузаштлари.

5—6 ноябрда — Етти уинд камалаги.

7—8 ноябрда — Алвидо, гўр ёшлигим!

ҲАЗАЛКЕНТ ШАҲРИ, «БЎСТОН» КИНОТЕАТРИДА

29—30 октябрда — Мен сени эслайман.

1—4 ноябрда — Жонтой қасами.

5—8 ноябрда — Али бобо ва қирқ қароқчи саргузашти.

БЕКОВД ШАҲРИ, «ОКТАБР» КИНОТЕАТРИДА

29—30 октябрда — Тубсизликдан репортаж.

1—4 ноябрда — Нордон мевалар.

5—6 ноябрда — Инқилоб чавандозлари.

АНГРЕН ШАҲРИ, «ДРУЖБА» КИНОТЕАТРИДА

29—30 октябрда — Ажойиб йилларимиз.

1—4 ноябрда — Нодирабегим.

4—8 ноябрда — Бўйсунмас.

ПИСКЕНТ ШАҲРИ, «ЎЗБЕКИСТОН ССР» 40 ЙИЛЛИГИ» КИНОТЕАТРИДА

29—30 октябрда — Қўтулғ қон.

1—5 ноябрда — Келинлар қўзғолони.

«ЗАҒАРА» РАЙОН МАРКАЗИ, НОДИРА НОМИДА КИНОТЕАТРДА

29—30 октябрда — Алвидо, гўр ёшлигим.

1—4 ноябрда — Ажойиб йилларимиз.

5—8 ноябрда — Алангаги сўқмоқлар.

ЯНГИБОД ШАҲРИ, «ОКТАБР» РАЙОН МАРКАЗИ, «ОКТАБР» 50 ЙИЛЛИГИ» КИНОТЕАТРИДА

1—5 ноябрда — Қиз узагиш.

6—8 ноябрда — Жонтой қасами.

ОЛМАЛИҚ ШАҲРИ, «ОЛМАЛИҚ» КИНОТЕАТРИДА

1—4 ноябрда — Нодирабегим.

5—8 ноябрда — Ажойиб йилларимиз.

ТОШКЕНТНИНГ ГЎЗАЛЛИГИ НАМОЁН

ТОШКЕНТ ТЕЛЕВИЗИОН МИНОРАСИНING 100-МЕТРИДА ЖОЙЛАШГАН «КОИНОТ» РЕСТОРАНИ ВА ТОМОШАҲОҲИДАН ШАҲАРНИНГ УМУМИЙ МАН-ЗАРАСИНИ ЯҚҚОЛ КЎРИШ МУМКИН.

Сиз кўш учалдин баландликда шаҳарнинг бутун қад-бастини кўрасиз ва эскуросоводнинг Тошкент тарихи ва телевиэион минора қурилиши ҳақида ҳикоясини тинг-лайсиз.

Ресторанда ёзилган дастурхон атрафида ўтириб, мино-ра атрафида бир марта айланиб, шаҳар узара оҳиста пар-воз қилгандек бўласиз.

Ресторанда 1 соат 45 минут меҳмон бўласиз, оддий зиярат қилиш эса 45 минут давом этди.

Томошагоқ майдончасига чиқиб баҳоси 2 сўм (натталар учун), болалар ва оддий составдаги ҳарбий хизматчилар учун 50 тийин.

Ресторанда меҳмон бўлиш баҳоси 8 сўм.

Телевиэион минорага чиқишни истаганлар билетларни янқа тартибда ёни муассасалар, корхоналар ва ташиқ-лотларнинг буюртмасига кўра жуйидаги адресда жойлаш-ган телевиэион миноранинг касаларида сотиб олишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Ф. Энгельс кўчаси, 109-уй (25, 28-трамвайлар, 9, 51-автобусларнинг «Телевиэион мино-ра» бекати).

Билетларни сотиб олиш учун паспорт, ҳарбий билет ёнгинизда бўлмоғи керак.

ТОШКЕНТ РЕСТОРАНЛАР ТРЕСТИ, «СОЮЗТОРРЕКЛАМА» БУТУНИТИФОҚ БИР-ЛАШМАСИНING ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

БЕҚАСАМ — КЎРКАМ МАТО

БЕҚАСАМДАН ТИКИЛГАН ЧОПОН ВА КЎРПАЛАР-НИНГ КЎРКАМЛИГИНИ ҲАММАМИЗ ЯХШИ БИЛАМИЗ.

Ҳозирги пайтда бу мато иккинчи уйрини кечирмоқда. Ундан ҳушбин сарафанлар, қўйлақлар, костюмлар ти-килмоқда.

Газлама табиий шой ва сунъий ипдан иборат бўлиб офтобда оқарилади, ётқилинмайди.

БЕҚАСАМ ПУМ, ТУМДА, «ЎЗБЕКИСТОН» ФИРМА САВДО БИРЛАШМАСИНING МАГАЗИНЛАРИДА СО-ТИЛИМОҚДА.

1 метрнинг баҳоси — 1 сўм 80 тийиндан 5 сўмгача.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ СОНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ ЛОИИХА-КОНСТРУКТОРЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯ БЮРОСИ «СОЮЗТОРРЕКЛАМА» БУТУНИТИФОҚ БИР-ЛАШМАСИНING ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.